XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QAROR

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 6 - aprel VI-76-43-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмоновнинг туман маҳаллий қўшимча манбалари ҳисобидан “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан туман ҳокимлиги ишчи ходимларини лавозим маошининг 50 % миқдорида моддий рағбатлантириш мақсадида 63 429 705 сўм (олтмиш уч миллион тўрт юз йигирма тўққиз минг етти юз беш сўм) маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокими в.в.б Н.Раҳмонов, туман Иқтисодиёт ва молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**